O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 7 июнь ШАНБА

№ 44 (12.055)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ДМИТРИЙ МЕДВЕДЕВ УЧРАШУВИ

***Санкт-Петербург, 6 июнь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.***

**МДҲ норасмий саммитида иштирок этиш учун Санкт-Петербург шаҳрига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди.**

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ислом Каримов Ўзбекистон учун Россия билан ҳамкорлик доим устувор аҳамият касб этиб келганини, мамлакатларимиз МДҲни ислоҳ қилиш борасида кўп жиҳатдан ҳамфикр эканлигини қайд этди. Президентимиз Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотини (ОДКБ) бирлаштиришни таклиф қилди. Бу улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб таъкидлади.

Дмитрий Медведев Ўзбекистонни Россиянинг Марказий Осиёдаги асосий, стратегик шериги, деб атади. Истиқболда ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга доир қатор режалар ишлаб чиқилаётганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани барча соҳадаги ҳамкорлик ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосида ривожланаётганидан далолатдир.

Икки мамлакат ўртасидаги кўп томонлама алоқалар БМТ, ШҲТ, МДҲ, ЕврАзЭС каби тузилмалар доирасида фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Россия наркотрафик, терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш борасида ҳам ҳамкор ва ҳамфикрдир.

Ўзбекистон ва Россия иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида яқиндан ҳамкорлик қилади. Товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. 2007 йилда бу борадаги кўрсаткич 48 фоиз ўсиб, 4,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бунда саноат маҳсулотлари ҳажми ортиб бораётгани эътиборга моликдир. Мунтазам равишда бизнес-форумлар, кўргазмалар, ҳукуматлараро комиссия мажлислари ташкил этилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида гуманитар ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Жумладан, халқимизнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан турли кўргазмалар, фестиваллар, маданият кечалари ўтказиб келинмоқда. Тошкентда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётир.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев ўзаро алоқаларнинг ҳозирги кўламидан мамнуният билдириб, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, жумладан, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, сармоявий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

**ЎзА.**

## МДҲНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ САММИТИ

***Санкт-Петербург, 6 июнь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июнь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига келди.**

Константин саройида МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий учрашуви бўлди. Унда Президентлар Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилгача бўлган стратегияси лойиҳасини шакллантириш, гуманитар ҳамкорлик, МДҲни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Ҳамдўстлик доирасида ўтган йиллар мобайнида тўпланган ҳамкорлик тажрибаси ва таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, МДҲнинг ҳар бир аъзоси интеграцияни ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга. Чунки Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодиёти бирбири билан рақобат қилмайди, аксинча, кўп жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Аъзо мамлакатларнинг барчаси ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Шуларни ҳисобга олиб, МДҲ доирасида замон талабларига мувофиқ тарзда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун барча зарур ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди. Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-гуманитар, ҳарбий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш орқали барча аъзо давлатлар ўз тараққиётини ҳам таъминлаши мумкин.

Президент Ислом Каримов Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида сўз кетганда, ҳамиша "аввал иқтисод – кейин сиёсат" тамойили билан иш кўриш лозимлигини таъкидлаб келади. Зеро, давлатлараро муносабатларнинг асосини иқтисодий алоқалар ташкил этади. Иқтисодий ҳамкорлик ривожланган, иқтисодий манфаатдорлик мавжуд бўлган шароитдагина давлатлар ўртасида сиёсий ҳамжиҳатлик ҳам мустаҳкамланади.

Мамлакатимиз раҳбари ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун МДҲ доирасида Эркин савдо зонаси барпо этиш ташаббусини илгари сурди. Албатта, бу кўп меҳнат талаб қиладиган жараён. Чунки аъзо давлатларнинг иқтисодий салоҳияти, ривожланиш даражаси турлича. Шу боис уларнинг ҳар бири ҳамкорлик ва интеграциянинг ўзига хос, ўз манфаатларига мос усул ва йўлларини талаб қилади. Шунга қарамай, 2007 йилда МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ва уни ҳаётга жорий этиш режаси қабул қилингани бу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Ушбу концепцияда биринчи галда иқтисодий соҳа устувор этиб белгиланган.

МДҲда иқтисодий жараёнларни мувофиқлаштириш имконияти мавжуд. Бу тузилма аъзо мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти ҳақида ахборот олиш ва алмашиш мумкин бўлган ўзига хос манба вазифасини ҳам ўтайди. Унинг саммитлари мулоқот учун яхши имконият яратади. Албатта, ҳар бир мамлакат кўрилаётган масалаларга, аввало, ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Аммо Президентлар учрашувининг мунтазамлиги мавжуд масалаларга биргаликда ечим топиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан далолатдир.

Санкт-Петербург саммити қатнашчилари МДҲни ислоҳ қилиш, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ва ўзларини қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

**ЎзА.**

Ғалла – 2008



## БОШОҚЛАР БАРАКАСИДАН ХИРМОН ЗАЛВОРЛИ

**Бугун Бўка ё Бекобод, Оққўрғон ёки Қуйичирчиқ томонларга борсангиз, катта йўл ёқасидаги ял-ял товланиб турган ғаллазорлар, кўкка бўй чўзган олтин бошоқларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ўз донимиз, ўз беминнат нонимизга эга бўлганимиз, ризқ-насибамизга қут-барака ёғилаётганидан шукроналик ҳиссини туясиз. Деҳқон меҳнати, азму шижоатига таҳсин айтасиз.**

Дарҳақиқат, ғаллакорнинг энг ҳаяжонли, қизғин ва тиғиз кунлари бошланди. Аввало, она замин саховати, деҳқоннинг матонатли меҳнати билан бино бўлган бўлиқ бошоқлар оби-тобида етилди – буғдойга ўроқ тушди. Ҳеч шубҳасизки, бугун эл-юрт хирмонининг бунёд бўлиши ва юксалиши йўлида хизмат қилаётган барчанинг нияти, мақсади муштарак – ҳосил чўғи тош босса, баракасини берса, элимизнинг ризқ-рўзи исроф қилинмай, ўриб-янчиб олинса бас.

Бу йил вилоятимиз ғаллакорлари 123 минг 500 гектар майдонда ғалла етиштирдилар. Фермерларимиз контрактация шартномасига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун 321 минг 900 тонна дон етказиб беришлари лозим. Тажрибали деҳқонларимиз ҳосил чўғига қараб, бу йилги ялпи хирмонимиз 485-490 минг тоннагача етишини айтишаяпти.

Вилоятимизда бу масъулиятли мавсумга пухта, аниқ ҳисоб-китоб билан тайёргарлик кўрилди. Бор куч-имкониятлар олдиндан чамаланиб, вазифалар аниқ тақсимланди. Хусусан, мавсумни самарали ва уюшқоқлик билан ўтказиш учун ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, отряд усули жорий қилинди ва айни вақтда 144 та шундай гуруҳ тузилиб, ишга киришди. Шунингдек, 297 та дон комбайни сафарбар этилди. Айниқса, юқори унум билан ишловчи «Кейс» ва «Класс-доминатор» комбайнлари хизматидан оқилона фойдаланиш, уларнинг бир маромда, узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида иш ва йўналиш графиклари ишлаб чиқилди. Ҳар бир ўрим агрегати ҳисобига 5 тадан юк ташиш транспорти ажратилди ва улар ўриб-янчиб олинган ғаллани пешма-пеш қабул пунктларига етказиб бераётир.

(Давоми 2-бетда).

## БУ ЙИЛ ЯНАДА МЎЛ БЎЛДИ

**Ўзига хос мураккаб жараёнларда, деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига етиштириладиган "кумуш тола"мизнинг қадру баҳоси янада ошиб, бу қимматбаҳо саноат хом ашёсига бўлган талаб кучайиб бораётган бир пайтда вилоятимиз пиллакорлари давлатга 1500 тонна сифатли пилла етказиб беришгани ҳақидаги хабар барчамизга бир олам хурсандчилик улашди.**

Дарҳақиқат, вилоятимизнинг бу йилги пилла хирмони анчайин баракали ва залворли бўлди. Негаки, мавжуд куч ва имкониятлар тўғри чамаланиб, улардан мақсадли фойдаланилгани боис, пиллакорларимиз бу мавсум ўтган йилгига нисбатан 188,4 тонна кўп хом ашё етиштиришга муваффақ бўлдилар. Улкан "кумуш тола" хирмонига бекободлик пиллакорлар 215,5, бўкаликлар қарийб 200, юқоричирчиқликлар 150,7, ўртачирчиқликлар 148,8 тонна сифатли ҳосил билан муносиб улуш қўшдилар. Оққўрғон, Чиноз, Бўстонлиқ, Янгийўл, Пскент, Оҳангарон, Қуйичирчиқ туманлари пиллакорлари ҳам зиммаларидаги масъулиятли вазифани бекаму кўст адо этдилар.

– Мавсумда 21 минг 744 та фермер хўжалиги шартномага асосан ипак қурти парваришлади, – дейди вилоят "Пилла" масъулияти чекланган жамият директори ўринбосари А. Исмоилов. – Тайёрлов корхоналарига етказиб берилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Ҳар қути ҳисобига ўртача ҳосилдорлик 52 килограммдан тўғри келмоқда. Тайёрлов корхоналари маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлари билан имкон қадар вақтида, узил-кесил ҳисоб-китоб қилишга ҳаракат қилаётгани, пиллакор меҳнати муносиб рағбатлантириб келингани ўз самарасини берди. Айтайлик, бугунги кунгача қабул қилинган маҳсулотнинг 60 фоизига ҳақ тўланди. Ҳисоб-китоб ишлари, илғорларни мукофотлаш изчил давом этмоқда. Кези келганда, пиллакорнинг оғирини енгил қилишга, муаммоларини бартараф этишга беминнат кўмаклашган жойлардаги тизим корхоналари, айниқса, туман ҳокимликлари мутасаддиларининг жонбозликларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТДА:** оққўрғонлик пиллакор С. Қурбонов оиласи аъзолари ҳосил баракасидан мамнун.

**Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.**



Вилоят ҳаёти

## ЧОРВАДОРГА ҚУЛАЙЛИК

**ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Зангиота туманида кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Яқин кунларда тумандаги "Бек-барака агро" фермер хўжалигида сутни қайта ишловчи цех ҳамда молларни сунъий урчитиш шахобчаси очилади. Айни вақтда бу ерда сўнгги тайёргарлик ишлари кўрилмоқда. Шахобча ишга тушгач, туманда қорамолларни сунъий урчитиш пунктлари 5 тага етади.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

## ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ТАЖРИБА

**ҚИБРАЙ тумани ҳокимлиги ҳамда "Нуроний" жамғармаси ташаббуси билан туман фахрийларининг кўҳна ва навқирон Самарқанд, Бухоро, Қарши шаҳарларига саёҳати ташкил қилинди.**

Тўрт кун давом этган саёҳат мобайнида туман кексалари, маҳалла оқсоқоллари халқимизнинг бетакрор маданий ёдгорликлари қаторида, мезбон ҳудудлардаги "Нуроний" жамғармаларининг иш фаолияти, қарияларни қадрлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасидаги намунали ишлари билан ҳам яқиндан танишдилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

**Ғанишер АЛИЕВ.**

**Вилоят "TURON" ахборот-кутубхона марказида "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида "Баркамол авлод тарбиясида ахборот-ресурс марказларининг роли" мавзусида семинар ташкил этилди.**

## УСТУВОР ВАЗИФА

Машғулотларда вилоят шаҳар ва туманлари ахборот-ресурс марказлари ходимлари, шунингдек, тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, уларнинг соғлом турмуш тарзига интилишларини тўғри шакллантириш, бўш вақтлари ҳамда ёзги дам олишларини намунали ташкил этишда ахборот-ресурс марказларининг роли ва вазифалари ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар. Ёшларга оид қонунларнинг мазмун-моҳиятини ўсиб келаётган авлод онгига сингдириш, китоблар кўргазмасини ташкил этиш, турли мавзуларда ўқув ва амалий машғулотлар уюштириш, кўрик-танловлар ўтказиб бориш юзасидан фойдали таклифлар киритдилар.

## ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД РУҲИДА ЎТДИ

**Вилоят ҳокимлигида "Таълим объектлари қурилишида амалдаги сифат назорати тизимини мувофиқлаштириш масалалари" мавзуида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қурилишга дахлдор бошқарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликларининг қурилиш бўйича масъул ходимлари, қурилиши тугатилган объектларни қабул қилиш ишчи комиссияси ҳамда лойиҳалаш ташкилотларининг раҳбар ва вакиллари қатнашди.**

**Семинарда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи З. Ниёзов иштирок этди.**

Семинарда таъкидланишича, бунёдкорлик ишларида шаҳарсозлик қонун-қоидалари, шаҳар ва туманлар ҳудудини режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктларининг бош режалари ҳамда қурилиш соҳасидаги тартиб ва меъёрларга риоя этилиши муҳим аҳамиятга эга. Шунга қарамай, қурилаётган объектларнинг сифатини қониқарли деб бўлмайди. Таълим объектлари қурилишида тасдиқланган бош режага амал қилмаслик, лойиҳа ва архитектура ташкилотлари билан келишмай, буюртмачи ва пудратчилар томонидан амалдаги тартибга зид ўзгартиришлар киритилаётганлиги қаттиқ танқид остига олинди.

– Таълим объектлари қурилишида амалдаги сифат назорати тизимига кирувчи ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш кечиктириб бўлмас вазифалардан ҳисобланади, – деди вилоят давлат архитектура-қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи Тоҳир Ботиров. – Бу вазифани амалга оширмай туриб, йўл қўйилаётган камчиликларга барҳам бериш, объектларнинг давлат стандартлари, қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда тасдиқланган лойиҳаларга қатъий риоя қилган ҳолда қурилишини таъминлашга эриша олмаймиз.

Касб-ҳунар коллежларининг қувватлари асоссиз равишда оширилаётир, бу эса пудратчи ташкилотлар ишига салбий таъсир кўрсатаётир. Мисол учун, Ангрен шаҳридаги саноат коллежи 540 ўринга мослаб қурилиши мўлжалланган. Лекин мувофиқлаштириш натижасида бу объектнинг қуввати 850 ўрин қилиб кўрсатилган. Чирчиқдаги тиббиёт коллежи аслида 900 ўқувчига мўлжалланиб қурилиши зарур эди. Бу ерда эса мувофиқлаштиришдан сўнг қуввати 1200 ўринга оширилган, лекин ҳозирги кунга қадар рақамларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган.

Шунингдек, семинарда қурилиш материалларининг сифатига жиддий эътибор қаратиш, объектларни фойдаланишга топширишда томонларнинг масъулиятлари каби масалалар ҳам кўриб чиқилиб, масъул ташкилотларга тегишли вазифалар топширилди.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

